

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Г.В. ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ**

ТУРСУНОВ ИСКАНДАР БАХТИНУРОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКИ КАПИТАЛЛАШУВИГА КОРПОРАТИВ
БОШҚАРУВ ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
economics sciences**

Турсунов Искандар Бахтинурович

Тижорат банки капиталлашувига корпоратив бошқарув таъсирини
ошириш..... 3

Турсунов Искандар Бахтинурович

Повышение влияния корпоративного управления на капитализацию
коммерческого банка 27

Tursunov Iskandar Bakhtinurovich

Increasing the influence of corporate governance on the capitalization of a
commercial bank..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Г.В. ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ**

ТУРСУНОВ ИСКАНДАР БАХТИНУРОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКИ КАПИТАЛЛАШУВИГА КОРПОРАТИВ
БОШҚАРУВ ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt581
рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент
филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш
веб-саҳифасида (www.dba.uz) да ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz)
жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Хамидулин Михаил Борисович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Пўлатов Дилшод Ҳақбердиевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тожиев Раҳматилла Раҳмонович иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент молия институти


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат
бошқаруви академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.1.23.01
рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «3» Март соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади
(Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47; факс:
(99871) 239-17-83; e-mail: info@dba.uz)


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат
бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (65 рақами билан
рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45. Тел.:
(99871) 232-60-47. факс: (99871) 239-17-83; e-mail: info@dba.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «16» Февраль кунин тарқатилди.
(2021 йил «16» Февраль даги 5 рақамли реестр баённомаси).




Ш.А.Тошматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор


А.Х. Исламқулов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, иқтисодиёт
фанлари доктори, доцент


Д.Н.Раҳимова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро амалиётда тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқаришда уларнинг капиталлашув даражаси меъёрларига бўлган талабларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Тижорат банклари корпоратив қимматли қоғозларни хусусан, акцияларни эмиссия қилиш орқали нисбатан барқарор ҳамда арзон капиталга эга бўладилар. «McKinsey Global Institute» халқаро консалтинг компаниясининг ҳисоб-китобларига кўра, ривожланаётган бозорларда сўнгги ўн йилликда акциядорлик капитали дефицитининг ўсиши кутилади. Экспертларнинг баҳолашларига кўра, 2012-2022 йилларда акциядорлик капиталига бўлган талаб ва таклиф орасида 8 трлн. долларга яқин тафовут бўлади»¹. Демак, борган сари кучайиб борадиган рақобат шароитида, тижорат банклари томонидан капиталлашувни оширишда корпоратив бошқарув тизимининг ҳам тутган ўрни ошиб боради.

Жаҳон амалиётида тижорат банкларини корпоратив қимматли қоғозлар, хусусан акциялар орқали молиялаштириш механизми ХХ асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб кенг илмий тадқиқ этилмоқда. Тижорат банклари хусусий капиталини кўпайтириш ва бизнеснинг бозор қийматини ошириш учун ўзининг акцияларини IPO ва SPO орқали жойлаштириш йўли билан жаҳон капитал бозорига чиқишда корпоратив бошқарувнинг афзалликлари белгилаб берилган. Жаҳонда, фонд биржаларига акцияларни самарали жойлаштириш орқали халқаро миқёсдаги инвестициялардан фойдаланиш, IPO операциясини муваффақиятли ўтказишда эътибор қаратиладиган жиҳатлар, жалб этилган маблағлардан самарали фойдаланиш, оптимал капитал тузилмасини шакллантириш ва акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини тўғри ташкил этишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотлар, хусусан, банк секторига жалб қилинадиган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмини оширишга тижорат банклари корпоратив бошқарувига эътибор бериш муҳим аҳамиятга эгалигини тақозо этмоқда. «Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда»². Мазкур салбий ҳолатни бартараф этишда тижорат банкларининг хусусий капитали ўсиши ва уларнинг бозор қиймати ошишига корпоратив бошқарувнинг таъсирини ошириш борасидаги қатор институционал, молия-иқтисодий ва ташкилий-техник хусусиятдаги масалалар ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-

¹ Швырков О. Г. Корпоративное управление как инструмент роста инвестиционной привлекательности компаний // Акционерное общество: вопросы корпоративного управления. – Москва, 2013. – №10. — С.5.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2018 йил 28 декабрь, Тошкент. <https://president.uz>

5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3066-сон «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шунингдек мазкур соҳани такомиллаштиришга қаратилган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий адабиётларда, тижорат банкларининг капиталлашувида корпоратив бошқарувнинг тутган ўрни, шунингдек, қимматли қоғозлар бозоридан инвестициялар жалб қилиш масалалари А. Асаул, М. Алексеев, В. Галанов, Г. Белоглазова, Д. Бэйли, А. Будицкий, В. Ванн Хорн, Ю. Вешкин, В. Геращенко, О. Лаврушин, А. Новиков, А. Радыгин, П. Роуз, В. Рутгайзер, У. Шарп, О. Яблонская³ каби олимлар ва амалиётчиларнинг илмий асарларида ўз аксини топди.

Тижорат банклари капиталининг моҳияти, тузилиши ва функционал мақсади, капитал етарлилиги ва капиталлашув даражасини оширишда корпоратив бошқарув афзалликларидан фойдаланиш масалалари С. Абдуллаев, Ш. Абдуллаева, Б. Беркинов, Т. Бобокулов, А. Вахабов, В. Котов, Н. Жумаев, А. Омонов, М. Хамидулин⁴ каби қатор маҳаллий иқтисодчи олимлар ва амалиётчиларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

³ Вешкин, Ю. Г., & Авагян, Г. Л. (2007). Экономический анализ деятельности коммерческого банка. Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами, «Финансы и статистика» М.: – 1996. – 800 с.; Шарп У., Александер Г., Бэйли Д. Инвестиции: Пер. с англ. М.: ИНФРА-М, 1997.- XII, 1024 с.; Роуз П.С. Банковский менеджмент. М.: Дело. 2014; Лаврушин О.И. Банковский менеджмент, М.: КноРус, 2015. – 301 с.; Рутгайзер В.М. и Будицкий А.Е. Оценка рыночной стоимости коммерческого банка URL: <https://www.livelib.ru/author/208447/latest-v-m-rutgajzer-a-e-buditskij>, 2020; Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Банковские системы зарубежных стран. М.: -Экономистъ, 2004. – 244 с.; Коупленд Т., Коллер Т., Муррин Дж. Стоимость компаний: оценка и управление. / Пер. с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2002; F. Fama "Random Walk in stock market prices", Financial Analysts Journal, September/October 1965. С.54 – 59.; Петере Э. Хаос и порядок на рынках капитала. Новый аналитический взгляд на циклы, цены и изменчивость рынка. - М. Мир. 2000. - С.123 –132; Ричард Дж.Тьюлз, Эдвард С. Брэдли, Тэд М. Тьюлз. Фондовый рынок.–М.: ИНФРА-М, 648 с; Modigliani F. and Miller M.H. The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment, American Economic Review 48(3), June, 1958; Vernon R.D. International Investment & International Trade in the Product Cycle //Q. Journal of Economics, 80, № 2 (May, 1966).; Бэр Х. Секьюритизация активов: секьюритизация финансовых активов – инновационная техника финансирования банков / Пер. с нем. – М.: Волтерс Клувер, 2006. – С.35-36.

⁴ Абдуллаев С.П. Пути расширения масштабов использования коммерческими банками Узбекистана потенциала ценных бумаг. Т.: Молия, 2009; Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. и.ф.д. илм. даража. Олиш учун баж. дис. авт. –Т.: 2008; Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Бурханов О.А. Халқаро молия муносабатлари. –Т.: Шарқ, 2003.; Хамидулин М.Б., Абдуллаева Ш.Р. и др. Повышение эффективности

Иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг асарларида банк капиталининг алоҳида жиҳатлари тадқиқ қилинган. Лекин тижорат банки капиталлашувига корпоратив бошқарув таъсирини ошириш тўлиқ ёритилмаган. Иқтисодий ривожланишнинг юқори ўсиш суръатларини қайд этаётган ҳозирги босқичда тижорат банклари фаолиятида замонавий корпоратив бошқарувнинг афзалликларидан фойдаланиш илмий тадқиқот ишларида ўрганилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Г.В. Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиали илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФМ-6 «Рақамли иқтисодиёт шаклланиши шароитида молия тизимининг инновацион ривожланиши» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банкларининг капиталлашувини оширишда, корпоратив бошқарувнинг ресурслар базасини кенгайтиришдаги афзалликларидан фойдаланишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

жорий активлар ҳисобининг моҳиятини батафсил очиб бериш, ташкилий-услубий жиҳатларини танқидий таҳлил қилиш;

банк институтларининг бозор капиталлашувини (қийматини) ошириш учун қимматли қоғозлар бозорининг имкониятларидан фойдаланиш юзасидан илғор хориж тажрибаси асосида Ўзбекистондаги мавжуд механизмни қиёслама таҳлил қилиш;

Ўзбекистон банк тизими капиталлашувининг замонавий ўзига хосликлари ва муаммоларини аниқлаш ва асослаб бериш;

тижорат банкларининг капиталлашувига ва фаолият самарадорлигига таъсир этадиган омилларни танлаш мезонларини тавсифлаш ва баҳолаш тартибини моделлаштириш;

шаффоф ва муносиб корпоратив бошқарув тизими жорий этилиши шароитида тижорат банкининг капиталлашув стратегиясини ишлаб чиқишни моделлаштирилиш;

тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш учун корпоратив бошқарув механизми қўлланишига қаратилган илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

бозор капиталлашувини ошириш учун тижорат банклари томонидан жаҳон капитал бозорларидан молиявий ресурсларни жалб қилиш механизмини ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

финансовых инструментов в обеспечении стабильного роста национальной экономики. -Т.: Ташкентский филиал РЭУ им. Г.В. Плеханова, 2016г.; Омонов А Тижорат банклари активлари ва пасивларини бошқариш. -Т.: "Иқтисод-молия". 2016. Котов В.А. Совершенствование деятельности банков по инвестиционному обеспечению стратегически важных предприятий Узбекистана. – Т.: Молия, 2011. – 320 с.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. –Т.: Молия, 2008. -204с.

Тадқиқотнинг объекти сифатида корпоратив бошқарувни жорий этишда тижорат банкларини капиталлаштириш механизми танланган.

Тадқиқотнинг предмети тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш учун корпоратив бошқарув воситаларини қўллаш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, иқтисодий-математик моделлар, корреляцион ва регрессион таҳлил қилиш услублари, статистика асосида гуруҳлаш услублари, тамойилларни истиқболлаштириш, экстраполяциялаш ёки экспертлик баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

банкнинг соф капиталига қимматли қоғозлар бозорининг омилли таъсири асосида тижорат банкининг бозор қийматини бошқариш тизими илмий асосланган;

банк тизимида корпоратив секторни чуқурлаштириш ва тижорат банкларини трансформация қилишда давлат активларини хусусийлаштиришнинг босқичли режаси таклиф этилган;

Ўзбекистон тижорат банкларини жаҳон капитал бозорларига чиқаришнинг босқичли такомиллаштирилган алгоритми таклиф қилинган;

тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллигини оширишда ички IPO ўтказиш орқали самарали корпоратив бошқарувни шакллантириш йўналишлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тижорат банки капиталининг намоён бўлиш шакллари тизимлаштирилди ва таснифланди, «тижорат банкининг капиталлашуви» тушунчасининг банк бозор қиймати билан ўзаро боғлиқликдаги туб тавсифлари очиқ берилган;

банк тизимида корпоратив секторни чуқурлаштириш ва тижорат банкларини трансформация қилишда давлат активларини хусусийлаштиришнинг босқичли режаси таклиф этилган;

жорий активларни самарали бошқариш, оптимал миқдорини аниқлаш, комплекс таҳлил қилиш бўйича амалий тавсиялар шакллантирилган;

хориж тажрибаси асосида жорий активлар аудитини ўтказишда қўлланиладиган таҳлил кўрсаткичлари ва ахборот базалари шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба–синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, «Равнақбанк» АЖ, «Туркистонбанк» ХАТБ, «Давр банк» ХАТБ амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти олинган натижалардан ихтисослаштирилган илмий-методолик тадқиқотларда фойдаланиш ҳамда тижорат банклари бозор

капиталлашувининг назарий базасини шакллантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг турли қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда тижорат банкларининг иш амалиётига татбиқ этилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банкларининг капиталлашувини оширишда, корпоратив бошқарувнинг ресурслар базасини кенгайтиришдаги афзалликларидан фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

банкнинг соф капиталига қимматли қоғозлар бозорининг омилли таъсири асосида тижорат банкининг бозор қийматини бошқариш тизимини жорий қилиш таклифи тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича режани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бўйича Бош бошқармасининг 2020 йил 7 июлдаги 06-30-01/66-сон ва Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 12 августдаги 02-02/06-968-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ еврооблигациялари юқори котировкаси (номиналнинг 103-105%) бўйича Грэм ва Шарп коэффицентлари ҳамда бенчмаркинг асосида ҳисоб-китоб қилиш усуллари қўлланилиши оқибатида фоизлар тўлови бўйича 12 млн. АҚШ. долл. маблағларнинг тежалишига эришилган.

банк тизимида корпоратив секторни чуқурлаштириш ва тижорат банкларини трансформация қилишда давлат активларини хусусийлаштиришнинг босқичли режаси тижорат банкларини капиталлашувининг амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бўйича Бош бошқармасининг 2020 йил 7 июлдаги 06-30-01/66-сон ва Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 12 августдаги 02-02/06-968-сон маълумотномалари). Натижада, рақамли банкка трансформация қилиш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий қилиниб, АКБ «Ҳамкорбанк» томонидан қўшимча эмиссия қилинган 15 млн. АҚШ. долл. қийматидаги акцияларни хорижий инвесторларга сотишга эришилган.

жорий активларни самарали бошқариш, оптимал миқдорини аниқлаш, комплекс таҳлил қилиш бўйича таклиф тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича режани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бўйича Бош бошқармасининг 2020 йил 7 июлдаги 06-30-01/66-сон ва Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 12 августдаги 02-02/06-968-сон маълумотномалари). Натижада, еврооблигациялар бенчмаркинги асосида «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «ЎЗР ТИФ Миллий банки» АЖ ва «Ipoteka bank» АТБларнинг хар бири томонидан 300 млн. АҚШ. долл. қийматидаги еврооблигацияларни жаҳон фонд бозорларида жойлаштирилишига эришилган.

тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллигини оширишда ички IPO ўтказиш орқали самарали корпоратив бошқарувни шакллантириш йўналишлари бўйича таклифидан капитал бозорини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 12 августдаги 02-02/06-968 сон ва «Равнакбанк» ХАТБ нинг 2020 йил 7 июлдаги ШП.01-972-сонли маълумотномалари). Натижада, корпоратив бошқарув механизмларини татбиқ этилиши ҳисобига «Равнакбанк» ХАТБ нинг инвестицион жозибадорлиги ошиши туфайли банкнинг қўшимча чиқарилган 70 млрд. сўмлик акцияларини сотишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 14 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 163 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланиб, уларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Тижорат банки капиталлашувига корпоратив бошқарув таъсирининг концептуал асослари» деб номланган биринчи бобида тижорат банки капиталининг моҳияти, молиявий-иқтисодий стресслардан келиб чиқадиган зарбаларга қарши туриш қобилиятини такомиллаштиришдаги капиталнинг тутган ўрнига ҳамда банк соҳасидаги тартиб ва назоратни мустаҳкамлашга қаратилган назарий қарашларни ўрганиш, шунингдек, иқтисодий муносабатлар жараёнида бозордаги позициясини тадқиқ қилиш асосида, банкнинг бозор қиймати билан ўзаро боғлаш орқали «тижорат банкининг капиталлашуви» тушунчасининг аҳамиятли хусусиятлари юзасидан муаллифлик қарашлари келтирилган.

Тадқиқот ишининг кўрсатишича, маълум бир банкнинг капиталлашуви кўп жиҳатдан унинг ўз капиталининг мутлақ ҳажми билан белгиланади. Қимматли қоғозлар бозори ривожланмаган, иқтисодиёти ривожланаётган

мамлакатларда банк секторининг капиталлашуви барча кредит ташкилотларининг ўз капиталининг умумий миқдори билан белгиланади.

Бироқ, агар капиталлашувнинг фонд бозори талқини асос қилиб олинса, унда банк секторининг бозор капиталлашуви фақат фонд бозорида эркин муомалада бўлган банклар акцияларининг умумий бозор қийматини олиш йўли билан баҳоланиши мумкин. Бозор капиталлашуви ҳақидаги бундай тушунча бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга хосдир, бунда банкларнинг устав капиталининг асосий шакли бўлиб, акцияларни чиқариш ва капитални бошқаришда корпоратив бошқарув тамойиллари ва механизмларидан фойдаланган ҳолда яратилган капитал ҳисобланади.

Хорижий иқтисодий адабиётларни таҳлил этарканмиз, “капиталлашув” тушунчаси бўйича муаллиф томонидан берилган изоҳнинг тасдиғини топишга муваффақ бўламиз. Шундай қилиб, У. Шарпга асосан, бозор капиталлашуви (market capitalization) - бу «акциянинг бозор нархининг акцияларни чиқарган корпорациядан ташқарида бўлган акциялар сонига кўпайтмасига тенг бўлган қимматли қоғознинг умумий бозор қиймати»дир⁵. М. Бретт ҳам ушбу тушунчани «компаниянинг барча оддий акцияларининг бозор қиймати: эмиссиядаги акциялар сонини уларнинг бозор нархига кўпайтириш натижаси»деб изоҳлайди⁶.

Банк тузилмаларига нисбатан капиталлашув атамасидан фойдаланилганда, Питер С. Роуз⁷ томонидан банк капиталининг бозор қиймати деганда чиқарилган акцияларнинг жорий курс бўйича қийматига чиқарилган акциялар сонининг кўпайтмаси тушунилади. Л. В. Ильина тадқиқотларида «капиталлашув» тушунчасига, «кредит ташкилоти капиталининг бозор қиймати ҳақида акциялар сонининг уларнинг бозор қийматига кўпайтмаси сифатида»⁸, деб таъриф берилган.

В. М. Рутгайзер билан А. Е. Будицкийлар, банклар капиталлашувининг рейтинг баҳосини келтиришда, банкинг бозор қийматини (капиталлашувини) оддий акцияларнинг 100 фоизининг биржадаги котировкасидан келиб чиққан ҳолда баҳоланиши таклиф қилган. Демак, кенг маънода бозор капиталлашуви тушунчаси банкнинг бозор (биржа) қиймати сифатида талқин қилинади⁹.

Норматив меъёрларда тижорат банкининг ўз капиталининг минимал даражаси белгиланади, капиталлашувнинг ҳақиқий даражаси бозор томонидан белгиланади. Айнан шунинг учун, Базель 2 ва Базель 3 стандартларида тартибга солувчи (регулятив) капитал концепциясини амалга ошириш техникасини сифат жиҳатидан янги даражага: бозорга қаратилган баҳолар даражасига чиқаришга ҳаракат қилинган, чунки Базель 1 стандарти тартибга солинувчи (регулятив) капитал концепциясидан келиб чиққан ва

⁵ Шарп У.Ф., Гордон Дж. Александер, Джеффри В. Бэйли Инвестиции. Дарслик М.: Прогресс, 2010, - 202-б.

⁶ Бретт М. Как читать финансовую информацию. М.: Проспект, 2014, - 102-б.

⁷ Роуз П.С. Банковский менеджмент. М.: Дело. 2014, - 238-б.

⁸ <http://www.dslib.net/economika-mira/kapitalizacija-kommercheskih-bankov-mirovaja-praktika-i-ee-ispolzovanie-rossijskimi.html>.

⁹ Рутгайзер В.М. и Будицкий А.Е. Оценка рыночной стоимости коммерческого банка URL: <https://www.livelib.ru/author/208447/latest-v-m-rutgajzer-a-e-buditskij>

капиталга қўйиладиган талабларни банкларнинг унга бўлган ҳақиқий эҳтиёжи инобатга олинмаган ҳолда белгилаган (1-жадвал).

1-жадвал

Капитални тузиш ва унинг қийматини ҳисоблаш бўйича Базел методологияси

Банк капиталининг тартибга солиш мақсадларидаги қиймати			
Банкнинг умумий капиталининг тузилиши		Банк капиталидан чегирмалар	
Асосий капитал	Қўшимча капитал	Асосийсидан	Умумийсидан
Тўланган акциядорлик капитали. Фойда ҳисобига шакллантирилган эълон қилинган ресурслар.	Эълон қилинмаган ресурслар Қаттиқ активларни қайта баҳолаш учун ресурслар. Шубҳали қарздорликни қоплаш учун ресурслар. Эркин капитал воситалари. Амал қилишнинг энг кам муддати 5 йилдан кўп бўлган муддатли ҳисобга олинган қарз мажбуриятлари	Номоддий активлар	Банк соҳасига ва назорат қилинадиган компанияларга инвестициялар. Бошқа банкларнинг ва молиявий воситаларнинг капиталига инвестициялар.

Тижорат банки фаолиятининг биринчи ва асос солувчи тамойили ҳақиқатдан мавжуд ресурслар доирасида ишлаш ҳисобланади, тижорат банки унга тегишли активларнинг хусусияти банк томонидан сафарбар қилинган ресурсларнинг ўзига хослигига мувофиқ бўлишига эришиши керак. Авваломбор, бу активлар ва пасивларнинг муддатларига тааллуқлидир. Бу ердан банкларнинг, кейинчалик фаол операциялар кўринишида жойлаштириш мақсадида захиралар жалб қилиш учун, турли туман инвестицион хусусиятларнинг барчасига эга бўлган қимматли қоғозлар бозори воситаларининг (акциялар, облигациялар, депозит сертификатлари, турли хил деривативлар ва бошқалар) имкониятларидан фойдаланиш зарурияти юзага келади.

Бунда, хўжалик юритишнинг акциядорлик шаклигина улушли қимматли қоғозлар (акциялар) чиқариш ҳисобига муддатсиз ва фоизсиз молиявий ресурсларни жалб қилиш ва бизнес мақсадларига эришиш учун инвесторларнинг чекланмаган сонини бирлаштиришга имконият беради. XXI асда хусусий жамоавий тадбиркорлик шакли сифатида корпорациялар энг кенг тарқалган ва энг самарали, иш фаолиятини юритишнинг тушунарли схемасига эга бўлган ташкилий-ҳуқуқий конфигурациялардан бирига айланди. Бозор муносабатлари шароитида акциядорлик жамиятлари амалда ҳаракатсиз турган капитални фаол капиталга айлантириш учун шароит яратади.

Бирок, қимматли қоғозлар бозорига чиқишнинг зарурий шarti - акциядорлик тижорат банкининг инвестицион жозибадорлигини оширадиган корпоратив бошқарув тизимининг шаффоф бўлиши ҳисобланади, бу эса, ўз навбатида, банк томонидан чиқарилган капитал қимматли қоғозларини (акциялар, облигацияларни) самарали жойлаштириш ва уларнинг бозор капиталлашувини ошириш имконини беради.

**01.01.2020 йил ҳолатига кўра Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон тижорат
банкларига тегишли ресурсларнинг тузилиши бўйича қиёсий жадвал
(минг АҚШ долларида)¹⁰**

	ЎЗБЕКИСТОН		РОССИЯ		ҚОЗОҒИСТОН	
	Миқдори	Улуши	Миқдори	Улуши	Миқдори	Улуши
Депозитлар	9 579,9	41%	866 176,8	75%	46 571,5	77%
Марказий банкка/давлат органларига тўлашга	177,6	1%	40 900,4	4%	274,6	0%
Резидент-банкларга тўлашга	1 038,8	4%	6 390,1	1%	1 587,2	3%
Норезидент-банкларга тўлашга	97,1	0%	4 081,8	0%	72,7	0%
Кредитлар ва лизинг операцияларига тўлашга	11079,2	47%	149 439,7	13%	1 547,1	3%
Чиқарилган қимматли қоғозлар	302,4	1%	-	0%	4 822,2	8%
Субординация этилган қарз мажбуриятлари	418,7	2%	-	0%	1 748,5	3%
Тўлашга ҳисобланган фоизлар	245,4	1%	12 483,1	1%	545,0	1%
Облигациялар	-	0%	30 236,5	3%	-	0%
Вексел ва банк акцептлари	-	0%	6 185,5	1%	-	0%
Ҳосила молиявий воситалар	-	0%	6 956,3	1%	285,7	0%
Қимматли қоғозлар билан «РЕПО» операциялари	-	0%	-	0%	987,4	2%
Секьюритизация қилинган активлар бўйича мажбуриятлар	-	0%	-	0%	592,3	1%
Бошқа мажбуриятлар	397,3	2%	28 861,8	3%	1 579,6	3%

Дунёнинг етакчи банкларига тегишли капитал тузилишининг таҳлили қимматли қоғозлар бозори банк тузилмаларининг бозор капиталлашувига катта таъсир кўрсатишини намоён қилади. Бундай ҳолатда, банк акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирилган устав фонди ҳам, қоида тариқасида, акцияларнинг номинал ва бозор қиймати ўртасидаги фарқдан ташкил топадиган қўшилган капитал ҳам, кўп жиҳатдан бозор котировкаларига тобе бўлиш билан тавсифланади.


Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида давлат иштирокидаги банкларнинг мажбуриятлари ўсишининг асосий омили бўлиб қарз маблағлари қолмоқда ва, ҳаттоки, Россия ва Қозоғистон банкларидан ҳам

¹⁰ Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон банк секторини тартибга солувчи органларининг статистика маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

<https://cbu.uz/ru/statistics/bankstats/262198/>, <http://www.nationalbank.kz/cont>, <http://www.dslib.net/>

фарқли ўлароқ, ўз ресурслари базасини кенгайтириш мақсадида қимматли қоғозлар бозори воситаларининг афзалликлари деярли қўлланилмайди.


Жаҳон капитали бозоридаги глобаллашув ва рақобатнинг кучайиши шароитида банк капиталининг янада кучли концентрацияланиши ва марказлаштирилишига мойиллик кучаймоқда, бу эса жаҳон иқтисодиётининг ушбу секторида қўшилиш ва бирлашиш жараёнлари билан биргаликда кузатилмоқда. 2004 йил бошида АҚШ Федерал Резерв тизими «Fleet Boston Financial» билан «Bank of America» банкларининг қўшилишини маъқуллади. Бирлашган банк бутун Америка бўйлаб 5 700 филиалларига эга бўлди. «Bank of America» учун Fleet Boston банкини сотиб олиш 47 миллиард АҚШ долларига тушди. 2008 йилда «Bank of America» АҚШнинг энг йирик инвестиция банки ҳисобланган, бироқ шу йили уй-жой бозоридаги инқироз туфайли жуда катта зарарлар кўрган «Merrill Lynch» банкини сотиб олади. 34,9 миллиард АҚШ долл.га баҳоланган ушбу битим Америка молия тизимининг жадал қайта тузилишига ёрдам берди, бу эса, ўз навбатида, глобал молиявий инқирозни енгиб ўтиш режасининг муҳим таркибий қисми бўлиб хизмат қилди (1-расм).



1-расм. BankofAmerica да капиталнинг ўзгариш динамикаси, акциянинг нархи ва ROE¹¹

Буюк Британиянинг «Lloyds TSB» ва «HBOS» банклари қўшилиш ҳақида келишиб олиши натижасида 30 млрд. фунт стерлинг қийматли молиявий компания барпо бўлди. Банкларнинг бирлашмаси Буюк Британия ипотека бозорининг 28 фоизини тутиб турган тузилмани яратди. Натижада уй-жойларни сотиб олиш учун берилган кредитлар ҳажми 338 млрд.фунт стерлингдан кўпни ташкил этган (2-расм).

¹¹Муаллиф томонидан <https://ru.investing.com/equities/bank-of-america> бўйича тузилди.




2-расм. «LLOYDS BANKING GROUP» да капиталнинг ўзгариш динамикаси, акция баҳоси ва ROE¹²

Муаллиф фикрича, АҚШ, Европа ва Осиёдаги инқироз вақтида амалга оширилган бир қатор қўшилиш ва сингдириш жараёнлари жаҳон молиявий тизимининг тезлашган суръатларда қайта қурилишига ёрдам берган. Натижада, бу – ўз навбатида, глобал молиявий инқирозни енгиб ўтиш режасининг муҳим таркибий қисмига айланиб, қўшилиб кетган ва сингдирилган компанияларни банкротликдан қутқаришга муваффақ бўлинган.

«Ўзбекистон тижорат банклари корпорацияланиши кенгайтиши ва капиталлашуви охишининг ҳозирги ҳолати» деб номланган иккинчи бобда банк тизimini капиталлашувини оширишга таъсир этувчи омилларни танқидий таҳлил қилиш асосида тижорат банкларининг бозор қийматини (капиталлаштиришни) бошқаришнинг такомиллаштирилган услубиятини қўллаш зарурияти асосланган.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг тижорат банкларида капитал ҳамда бутун активларнинг ўсиши кузатилмоқда. Шу билан бирга, давлат томонидан катта молиявий қуйилмалар ҳисобига банк сектори капиталининг етарлилик даражасида ўсишга мойиллик мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилиши зарур, бу эса республиканинг банк секторида давлат улуши тобора ошиб боришига сабаб бўлмоқда (3-расм).




3-расм. Ўзбекистоннинг тижорат банклари капиталнинг тоифалари (% улуши)¹³

¹²Муаллиф томонидан <https://ru.investing.com/equities/lloyds-banking-group-plc> бўйича тузилди.


¹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг маълумотлари бўйича муаллиф томонидан тузилган (<http://cbu.uz>).

Капиталнинг юқори даражаси давлат улуши иштирокидаги банкларда тўпланиши Ўзбекистон банк секторида ҳақиқий рақобат муҳитини таъминламайди ва бунинг натижасида банк ресурсларидан (ROE, ROA) фойдаланиш самарадорлиги паст (4-расм).



4-расм. Ўзбекистон банк сектори фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари¹⁴

Шунга ўхшаш кўрсаткичларни, масалан, Россия банк тизими билан таққослаганда, Ўзбекистон банк сектори билан таққослаганда ҳам, РФнинг Истеъмол нархлари индексининг (ИНИ) динамикасига қараб ҳам, ресурсларни жалб қилиш бўйича ишлар самарадорлиги юқорирок эканлигини ва, энг муҳими, капиталдан ҳам самаралироқ фойдаланишни кузатиш мумкин (5-расм)




5-расм. Россия Федерацияси банк сектори фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари¹⁵

Учта тижорат банки «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ (СҚБ), «Ҳамкорбанк» АТБ (Ҳамкорбанк) ва «Равнақбанк» АЖ (Равнақбанк) фаолияти кўрсаткичларининг таҳлили ҳақиқий корпоратив бошқарув тизими ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (Ҳамкорбанк) мавжудлиги банк фаолиятининг самарадорлиги ўсишини рағбатлантирувчи омил бўлишини кўрсатди (6-расм).

¹⁴Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари бўйича тузилди (<http://cbu.uz>).

¹⁵Муаллиф томонидан Россия Банклар Уюшмасининг маълумотлари бўйича тузилди.



6-расм. Таҳлил қилинган учта банкда тижорат банки активлари ва капиталларидан фойдаланиш самарадорлигининг 01.01.2020 йил ҳолатига кўрсаткичлари¹⁶

Очиқ бозорларда операциялар амалга оширувчи банклар учун бозор ёки фонд операцияларининг таваккалчилигини мунтазам равишда ҳисоб-китоб қилиш мажбурий шарт ҳисобланади. Кредит ташкилоти томонидан фонд таваккалчилигини баҳолаш қуйидаги молиявий воситаларга нисбатан амалга оширилади: оддий акциялар; депозитар тилхатлар; оддий акцияларга айирбошлаш шартларига мувофиқ бўлган айирбошладиган қимматли қоғозлар (облигациялар ва имтиёзли акциялар); асосий активи қимматли қоғозлар ҳамда фонд индекси бўладиган ҳосилавий молиявий воситалар.

Тадқиқотчининг фикрича, акциялари қимматли қоғозлар бозорида мунтазам котировка қилинмайдиган маҳаллий банкларни баҳолаш учун Бенжамин Грэм (Benjamin Graham) ва Дэвид Додд (David L. Dodd)¹⁷ларнинг усули айниқса мосдир. Грэмнинг назариясига кўра, ҳар бир акция маълум бир ички (асл, ҳақиқий) қийматга эга бўлиб, у акциянинг бозор қийматига боғлиқдир.

Банкнинг бозор қийматини баҳолашнинг юқорида келтирилган усулларида, хусусан Б. Грэмнинг коэффицентидан фойдаланилган ҳолда тадқиқот объекти сифатида танланган банкларнинг акцияларининг бозор қиймати унинг баланс қийматидан қанчалик фарқ қилиши ўрганилган (3-жадвал).

3-жадвал

Б.Грэмнинг усули бўйича учта банкка тегишли акциялар баҳоларининг солиштирма жадвали¹⁸


Банк номи	Акциянинг бозор қиймати	Акциянинг Грэм усули бўйича баҳоси	Бозор қийматидан дисконт
Ўзсаноатқурилишбанк	17,38	27	65,3%
Хамкорбанк	28	57.81	48,4%
Равнақбанк	1200	1.28	-99,89%

¹⁶Муаллиф томонидан банкларнинг ҳисоботларидаги маълумотлар асосида тузилди.

¹⁷ Benjamin Graham, David L. Dodd – Security Analysis, 1934 г.), Benjamin Graham – The Intelligent Investor, 1949 г. (<https://www.forbes.com/forbes-400/#567141447e2f>).

¹⁸Муаллиф томонидан «Тошкент» Республика фонд биржасининг маълумотлари бўйича ҳисоб-китоб қилинди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, баланс қиймати жиҳатидан айниқса етарлиликдан паст баҳолангани - Ҳамкорбанкнинг акциялари бўлиб, улар ҳар бир акция учун 57,81 сўмгача ўсиш салоҳиятига эга. СҚБ акциялари ҳам етарлича баҳоланмаган ва баланс қиймати бўйича 27 сўмгача ўсиш салоҳиятига эга. Равнақбанк акцияларига улар қимматли қоғозлар бозорида паст ликвидликка эга бўлиши ва корпоратив бошқарув тизимининг шаффоф эмаслиги туфайли ҳаддан ташқари ортиқча баҳо берилган.



7-расм. СҚБ, Ҳамкорбанк ва Равнақбанк акциялари котировкаларининг динамикаси¹⁹

Ушбу тезиснинг кўргазмалилигини Саноатқурилишбанк, Ҳамкорбанк ва Равнақбанк акцияларининг котировкалари бўйича ҳам кузатиш мумкин (7-расм). Акцияларнинг котировкаси, бошқа жиҳатларидан ташқари, банкнинг шаффофлигини, инвестицион жозибадорликни оширади, бу эса бошқа қимматли қоғозларни, масалан, облигациялар ва депозит сертификатларини янада қулай шартларда жойлаштириш ва бу билан тижорат банкларининг ресурслар базасини ошириш имконини беради.

«Қимматли қоғозлар салоҳиятидан фойдаланган ҳолда банкларнинг капиталлашувини ошириш йўллари» деб номланган учинчи бобда, Ўзбекистон банк секторида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илмий асосланиб берилган, акциядорлик банкларининг бозор қийматини баҳолаш услубиятининг самарадорлигини оширишнинг аниқ механизмлари таклиф қилинган ва акциядорлик-тижорат банкининг капиталлашувини ошириш учун қимматли қоғозлар бозори воситаларидан фойдаланиш усуллари кўрсатиб берилган.

Марказлаштирилган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш ва давлат молия тизимида рақобат муҳитини яратиш давридаги асосий вазифалардан

¹⁹Муаллиф томонидан <https://uzse.uz/analytics> саҳифасидаги маълумотларнинг таҳлили бўйича тузилди.

бири давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонида мувофиқ давлат банкларини хусусийлаштириш ва акциядорлик банклари капиталидаги давлат улушига тегишли акцияларни сотиш жараёнида энг камида учта муаммо мавжуд:

1. Давлат банклар активларидан махсус ташкил этилган тузилмага ёки ЎТТЖга чиқаришни режалаштирган «заҳарли» активларнинг юқори даражаси.

2. Банкларнинг бозор капиталлашуви мавжуд эмаслиги ва бу банкларнинг активларини адолатли бозор қийматида сотишга имкон бермаслиги.

3. Корпоратив бошқарув тамойиллари фақат расмий амалга оширилиши ва бу туфайли маҳаллий тижорат банкларининг инвестицион жозибдорлиги ва кредит рейтингларининг пасайиши.

Банкларни хусусийлаштириш жараёни давлат активларини сотиш нархини белгилашдан бошланиши керак. Баҳолашда айниқса кўп қўлланиладиган ёндашувлар асосида, тижорат банкининг бозор қийматини бошқаришнинг такомиллаштирилган услубияти таклиф этилган ва бу услубият бир нечта ўзаро боғлиқ бўлган босқичларни ўз ичига олади (4-жадвал).

4-жадвал

Акциядорлик банкининг бозор қийматини бошқариш услубияти²⁰

Босқич рақами	Банк қийматини белгилаш босқичининг мазмуни
I босқич	Банк молия-хўжалик фаолиятининг ташқи аудитини ўтказиш
II босқич	Тижорат банки акциясининг бозор қийматини баҳолаш учун айниқса мақбул бўлган ёндашувни танлаш
III босқич	Танланган усулларнинг ҳар бири бўйича тижорат банки акциясининг бозор қийматини аниқлаш
IV босқич	Танланган усулларнинг ҳар бири бўйича олинган натижалар асосида 100% акциялар қийматининг интеграл баҳоланишини ташкил қилиш
V босқич	Тижорат банкининг 100% акциялари интеграл баҳолашига мутаносиб танланган пакет қийматини белгилаш
VI босқич	Акциялар пакети қийматида турли хил чегирмалар белгилаш орқали тузатишлар киритиш
VII босқич	Ҳосил бўлган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда банк акциялари пакетининг бозор баҳосига айниқса яқин бўлган қийматни белгилаш

²⁰Муаллиф томонидан тузилди

Тижорат банкларини хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш ва банк секторида чинакам корпоратив рақобат муҳитини яратиш мақсадида диссертация ишида қуйидаги алгоритм таклиф этилди:

1. Хусусийлаштириш жараёнини тижорат банкларини «заҳарли» активлардан тозалашдан бошлаш ва йирик корпоратив миқозларга, танлов таклифини назарда тутган ҳолда, бозор шартларида хизмат кўрсатишга ўтиш;

2. Давлат ресурсларини уларни ўзлаштириш бўйича энг яхши шарт-шароитларни таклиф этган тижорат банкларига тақдим этиш;

3. Акцияларни жойлаштиришни амалга оширадиган таниқли халқаро компаниялар, молиявий маслаҳатчиларнинг хизматларидан фаол фойдаланиш. Йирик банklar билан бир қаторда, хорижий банklar ёки ХМИ томонидан ташкил этилган бошқа ташкилотлардан ҳам, уларнинг институционал ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган тегишли дастурлар доирасида интенсив техник ёрдам сўраш зарур. Бундай техник ёрдам банklar ўзларининг ички тузилишини қайта қуришга ва банкни ривожлантириш стратегиси бўйича аниқ ва тижорат нуқтаи назаридан амалий (реал) стратегияни ишлаб чиқишга тайёр бўлганда айниқса самарали бўлади;

4. Хусусийлаштирилаётган банklarда халқаро миқёсда тан олинган ИХТТнинг корпоратив бошқарув принциплари ва Базел қўмитаси талабларига жавоб берадиган ҳақиқий амалий корпоратив бошқарув механизмини шакллантириш;

5. Акцияларни инвесторларнинг кенг доираси учун ички фонд бозорида сотиш²¹ амалиётини кенгайтириш ва бир вақтнинг ўзида акцияларнинг мунтазам котировкасини таъминлайдиган иккиламчи бозорни ривожлантирадиган маркет-мейкерлар фаолиятини ташкил этиш;

6. Бунда ишни ушбу банklarнинг дивидендлар сиёсатини мажбурий тартибда оммавий муҳокама қилган ҳолда, имтиёзли акцияларни сотишдан бошлаш керак;

7. Хорижий инвесторнинг давлат улушини ёки унинг бир қисмини ташкил этадиган акцияларни сотиб олишга йўналтирилган маблағлари хусусийлаштирилаётган банкнинг акциядорлик капиталига қўшилиши масаласини кўриб чиқиш зарур;

8. Хорижий банklar билан биргаликда, шу жумладан, қўшилиш ва бирлашиш орқали, банklar ташкил этиш имкониятларини кенгайтириш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Молиявий ресурсларни жалб қилишда акцияларни очик бозорда бирламчи таклиф этиш (IPO) тобора энг истиқболли воситаларидан бирига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари

²¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 358-сонли «Фонд биржасида акцияларнинг бирламчи ва иккиламчи оммавий таклифларини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» Қарори.

